Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 25 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 90 (7086)

Da'vat

Тараққиёт тарихини олти сўз билан ифодалаш мумкин: қанча кўп билсанг, шунча кўп қодирсан.

Э.Абу

Ibrat

Тошкент шаҳридаги инглиз тили фанига ихтисослашган 306 ва 309-лицейлар ҳамда 249-мактабнинг 20 нафар ўқувчилари устозлар бошчилигида Америкага жўнаб кетдилар. Ўз билимлари туфайли бундай сафарга муяссар бўлган болалар уч ҳафта Коннектикут штатида бўлишиб, тенгдошлари ҳаёти ва фаолияти билан танишадилар.

MUNOSABAT

МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАР ҚАЛБИНИ ОЛОВЛАНТИРУВЧИ ГУЛХАНДИР

Тошкент шаҳридаги 83-мактабнинг 8-синфида ўқиб юрган кезларимда инглиз тилининг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаб етган эдим. Бугунги кунда талабаман. Бу йил талабалар олдинги йилларга нисбатан кўпроқ. Чунки борган сари юртимизда ёш мутахассисларга эҳтиёж ортмоқда.

Президентимизнинг ёшларга катта умид билдирганликлари ҳам бежиз эмас. Чиндан ҳам ёшлар – Ватан истиқболи, таянчи. Бугунги талаба эртанги мутахассис, иш юритувчи, бошқарувчи, сиёсатчи, маданият ходими, шифокор, хуллас, улар ҳар бир соҳага кириб бориши ва уни қамраб олиши аниқ.

Мен инсон умрининг энг шижоатли, даъваткор ёшлик дамларини илм эгаллашга сарфланаётганидан мамнунлик ва қаноат туяман.

Университетда бизга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, ҳуқуқшунослик, инглиз тили ва бошқа фанларни мукаммал ўргатишмоқда. Бу биз учун катта имкониятлар очади.

«Қизил империя» даврида ҳақиқий тарихимиз, дин тақиқланган, ўз тилимиз ҳам тузукроқ ўргатилмас эди. Ҳозир ҳам шунинг асоратини кўриш ёки сезиш мумкин. Бу билан мен нима демоқчиман? Мустақиллик биз ёшларга сурат ва сийрат бергувчи, қалбини оловлантирувчи гулхандир. Халқимга мустақиллик олиб келган замонамиздан минг ўргилсак арзийди. Уни шу тахтиравонга олиб чиққан йўлбошчиси ҳам омон бўлсин!

Гулноза НИШОНБОЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети 1-курс талабаси.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Мавжуда Воҳидова 25 йилдан буён пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 216-мактабда тарих ўқитувчиси. Мавжуда опа меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлаётган бахтиёр инсонлардан. Айниқса ўзининг Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ҳукуматимиз томонидан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланишини камтарин меҳнатларига кўрсатилган юксак эътибор деб билди.

Суратда: Мавжуда опа машғулотлари ҳар доим мароқли.
Шавкат ЗУФАРОВ олган сурат

Obuna — 99

«МАЪРИФАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН

Андижон шаҳрида жами 114 та таълим-тарбия муассасаси бор. Уларнинг барчасига «Маърифат» газетаси етиб боради. Бу борада шаҳар фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси таълим муассасаларини биттадан бепул обуна қилишдек олийжаноб ҳомийлик ташаббуси билан чиқди. Жойларда кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти.

– Ҳозирда биз 34 номдаги газета ва журналга обуна бўлмоқдамиз, – дейди шаҳар ХТБнинг яқинда тайинланган ташаббускор мудири Тоҳиржон Тўйчиев. – Улар орасида вилоятимиз маорифчиларнинг «Зиё» газетасидан тортиб, «Халқ сўзи»гача бор. Муаллим ва мураббийларимизни биринчи галда «Маърифат»га муштарийликка ундаяпмиз. Чунки бу газета барчамиз учун таълим-тарбия соҳасидаги кундалик янгилик ва ахборотлар манбаи, ўзига хос тарзда малака ошириш, янги педагогик технологияларни ўрганиш университетидир.

«Маърифат» сиз билан, сиз – «Маърифат» билан бўлинг.

А. ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига биноан, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 1998 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақириладиган бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Исроил авиация саноати» корпорациясининг раҳбари Моше Керетни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Феруз Ғофурович Назиров Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ш. И. Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири вазифасидан озод этилди.

• Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ўзининг Польшадан бошланган Европа бўйлаб сафари давомида Венгрия Президенти Арпад Генц ва Бош вазир Виктор Орбан билан учрашиб, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро фикр алмашмоқчи.

• Украина Президенти Леонид Кучма Республика парламентида сўзга чиқиб, мамлакат инқироз туфайли иқтисодий ҳалокат ёқасига келганлигини, турли тўловлар ва ойлик маошлар беришда катта қарзлар борлигини таъкидлади.

«Aks-sado»ga aks-sado

БИР СОАТЛИК ТЕЛЕВИЗИОН ДАРС

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицейда 308 нафар бўлажак зобит, озод Ватан посбонлари таҳсил олишади. Лицейда ўқувчиларга ўрта мактаб ўқув дастурига қўшимча тарзда ҳарбий ҳуқуқ асослари, ҳарбий санъат тарихи, зобитнинг одоб, ахлоқ ва шарафи қонуни, ҳарбий тайёргарлик ва яккама-якка жанг санъати каби сабоқлар берилмоқда. Бу даргоҳда бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган ажойиб бир тадбир йўлга қўйилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунида лицей ўқувчилари ва ўқитувчилари Ўзбекистон телевидениесининг 1-дастури орқали бериб борилаётган «Акс-садо» кўрсатувини мунтазам кўриб боришяпти. Кўрсатувдан кейин доимий баҳс-мунозара, фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаш анъанага айланган.

Дарвоқе, шу йил апрель ойида лицейнинг бир гуруҳ илғор фикрли ўқувчилари йўлбошчимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларидаги «Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш» мавзуини ўзларича таҳлил этишга урингандилар. «Акс-садо»даги бу чиқиш томошабинларда яхши таассурот қолдирганди.

Биз маънавият ва маърифат ишлари бўйича лицей директори ўринбосари Иристой Эргашевдан «Акс-садо» кўрсатувини дарс жадвалига киритишдан асосий мақсад нима, деб сўраганимизда домла бизга ўз фикрларини қуйидагича баён этдилар:

— Президентимиз ҳар галги суҳбат ва нутқларида ёшларимизга катта ишонч билдирадилар. Ана шу ёшларимизнинг маънавий бойлигини оширишимиз зарур. «Акс-садо»ни кўриб, унга муносабат билдираётган ўқувчиларимизда мустақил фикрлаш эҳтиёжи тобора ортиб, уларнинг тафаккури кенгаймоқда. Кун сайин улардаги лоқайдлик, бефарқлик каби хусусиятлар йўқолиб, қалбларида миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғулари чуқурроқ илдиз отмоқда.

Бизнинг мақсадимиз ҳам айнан ана шу эди.

«Акс-садо» кўрсатувига сиёсий шарҳловчи Қуддус Аъзамов якун ясаб хайрлашаркан, биз лицей ўқувчилари билан жонли акс-садога киришдик. Бизнинг бир неча саволларимизга ёш ҳарбийлар муносиб жавоб қайтариш билан биргаликда ўз муносабатларини-да билдиришди.

Мени ўқувчиларнинг «одобли» тингловчидан ғайратли иштирокчига айланганги қувонтирди.

Фикримча, «Акс-садо» кўрсатуви ҳар бир мактаб, лицей, коллеж... ларнинг дарс жадвалларига киритилиши керак. Мактаб директорлари хонасини безаб турган телевизорлар синф ёхуд кўпчилик учун қулай бўлган заллардан ўрин олса фойдаси кўпроқ бўлади.

Норали ОЧИЛОВ

Yangilik

ФИДОЙИЛАР КЛУБИ

Пойтахтимизнинг А. Икромов туманидаги 295-таянч мактабда қарийб бир ярим минг ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олишади. Билим даргоҳида ўқувчиларнинг юқори савияда билим олишлари, маънавий ва маърифий камол топишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, хорижий тилларни ўрганиш ҳар бир ўқувчининг фаолиятига айланган. Мактабда япон, араб, инглиз, француз, немис тилларни ўрганувчи алоҳида-алоҳида синфлар, тўгарак ва клублар ишлаб туриши унинг тумандаги таянч даргоҳ дея аталишига сабаб бўлган. Яқинда ушбу мактабда яна бир янгиликка қўл урилди. Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб, эркин фикр юритувчи теран тафаккур соҳибларининг «Фидойилар клуби» иш бошлади. Мазкур клуб фаолияти билан танишиш мобайнида «Фидойилар клуби»нинг ташкил этилиши ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар айнан таълим ислоҳотларининг негизини ташкил этувчи мустақил, эркин фикрни шакллантиришга қаратилганини англадик. Клубга мактабнинг 25 нафар иқтидорли ўқувчилари аъзо бўлишган, — дейди клуб раҳбари Лазокат опа.

Клубнинг ўз Низоми ва Дастури бор. Машғулотлар ҳафтада икки марта ўтказилади. Машғулотлардан кутилаётган мақсад ўқувчиларни эркин фикрлашга, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдиришга, Мустақиллик моҳиятини тушуниб етишга, Ватан тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида чуқур тасаввур ҳосил қилишга, маънавий комиллик сари интилишига эришишдан иборат. Албатта, бу борада муҳокама учун мавзу танлаш, мавзунинг нақадар муаммоли ва серқирралигига эътибор бериш муҳимдир. Клуб аъзолари кейинги машғулотлардан бирида ёзувчи А. Аминов китоблари асосида «Туроннинг қирқ мўъжизаси» мавзусида мунозара кечаси ўтказди. Сўнгра Тоғай Мурод романи асосида яратилган «Отамдан қолган далалар» кинофильмини бориб кўрдилар. Ҳар иккала машғулот ҳам клуб аъзоларининг баҳс-мунозаралари, ўз эркин фикрлари, муносабатлари ва мушоҳадалари билан моҳиятан қайта кашф этилди. Эркин фикр ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун қанот бўла олиши яна бир карра ўз тасдиғини топди. Ёшлар зиммасига юкланаётган масъулиятлар, уларга берилаётган имкониятлар натижаси ўлароқ, уларнинг илмга чанқоқлиги озод ва обод она-Ватан фахри, келажакка интилиши чақноқ кўзларидан, ғайрат шижоатли вужудларидан зоҳиран ҳам намоён бўлмоқда. Шуниси эътиборлики, 295-мактабда ташкил этилган «Фидойилар клуби» республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Мажмуа ходимлари клубда тез-тез бўлишиб, ўқув-услубий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатишаяпти.

Шунингдек, Чилонзор туманидаги 66-ёрдамчи мактабда ҳам «Фидойилар клуби» иш бошлагани қувончлидир. Тўгарак раҳбари, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Маълума Хўжаева ўқувчи-ёшлар фаолиятини иштиёқ билан бошқармоқда.

Бугун ана шундай клублар халқ таълими вазирининг шу йил 19 августда чиқарган 161-сонли буйруғига асосан барча таълим муассасаларида ташкил этилмоқда.

Зеро, 60 фоиз аҳолиси ёшлар бўлган навқирон мамлакатимизнинг мавқеини юксалтиришда уларнинг тафаккурига суяниш, ақлий салоҳиятларига ишониш вақти етди.

Дилором ХАБИРОВА,
Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси катта методисти

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЙИГИРМАНЧИ АСР МЎЪЖИЗАСИ

Жаҳон осмонида парвоз қилиб юрган қудратли қўлат қушлар орасида тез-тез АҚШнинг «Б-747», «Б-767» самолётларини учратиш мумкин. Улар ниҳоятда қулай ва мустаҳкам қилиб ишланган. Масалан, тўрт моторли «Б-747» самолёти «қанотларини ёзганда» нақ олтмиш метр жойни эгаллайди, 193 тонна ёғ «ейди», умумий оғирлигини ҳисобласангиз 350 тоннага боради, салонлари эса беш юз пассажирни қабул қилиб олишга мўлжалланган.

ЯНГИ ПУЛ БИРЛИГИ

Европа статистика бошқармаси 1999 йил 1 январдан эътиборан янги пул бирлиги - еврога ўтувчи 11 мамлакатнинг молиявий ҳолати ҳақидаги ҳужжатни эълон қилди. Унга кўра, жорий йил август ойида мазкур мамлакатларда пул қадрсизланиши даражаси 1,2 фоиз, сентябрда бу кўрсаткич бор-йўғи 1 фоизни ташкил этган. Маълумки, ўтган йили Европа Иттифоқи давлатларида инфляциянинг ўртача даражаси 1,8 фоизни ташкил қилганди.

МАРКЕТИНГ СЎЗИНИНГ МАЗМУНИ

Маркетинг инглизча «market» сўзидан келиб чиқиб, бозор, сотиш, савдо мазмунини англатади. Маркет сўзидан маркетинг сўзи формаси ясалиб, яъни у сотиш, ўтказиш, маҳсулотларни сотиш мумкин бўлган бозорни излаб топиш, уни тадқиқ ва таҳлил қилиш, сифатли маҳсулот билан савдо қилиш маъносини билдиради. Маркетинг жараёни харидорларни ўрганишдан ва унинг эҳтиёжу талабларини аниқлашдан бошланиб, харидорларга товарларни сотиш билан якунланади. Аммо жараённинг бошланиши ва якуни орасида жуда катта, ранг-баранг фаолият амалга оширилишини унутмаслик керак.

ХАМСАЧИЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1209) беш достон силсиласидан таркиб топган яхлит шеърий мажмуа тартиб бериш анъанаси - хамсачиликни бошлаб берган эди. Сўнгра Хисрав Деҳлавий (1253-1325), Абдураҳмон Жомий(1414-1492) бу анъанани давом эттиришди. Лекин улар ёзган маҳобатли «Хамса»лар форс тилида бўлиб, туркийзабон халқларнинг баҳраманд бўлиши хила мушкул эди. Шу боис улуғ аллома Алишер Навоий (1441-1501) илк маротаба туркийда «Хамса» бунёд этди. XXI аср бўсағасида эса ўзбек адабиётида яна бир «Бешлик» - «Хамса» пайдо бўлди - Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов ўзининг «Янги Хамса»сини эълон қилди.

ТИЛЛА ИСИРҒА МОЖАРОСИ

ёхуд гўзалликни англаш хусусида

«Олдин товуқ пайдо бўлганми ёки тухум?». Ушбу савол билан материалистларни хўп эсанкиратиб қўйишган эди бир пайтлар. Букун ушмундоқ сўров билан кўпчиликни қойил қолдираман десангиз, қаттиқ адашасиз. Бу уйғунликнинг урфи ўтди. Ҳозир товуқсиз тухум, тухумсиз товуқ ҳам яратворишяпти, азаматлар. Айни пайтда «мўда»да бўлган лутфни эса мана биз қулоғингизга шипшитиб қўйишимиз мумкин: «Олдин одам пайдо бўлганми ёки зебу зийнат?».

Дарҳақиқат, бу икки унсур бугунги кунда бир-бирига шунчалик вобастаки, одамни зебу зийнатдан, зебу зийнатни одамдан айро тасаввур қилиш қийин. Бири бирини тўлдириб, бири бирини мукаммаллаштириб бораяпти.

Эҳ-ҳе, безак учун нималарни ўйлаб топишмади, дейсиз: бу ёғи тиллаю кумушдан тортиб, у ёғи сойдаги оддий тошгача. «Ҳаҳ, тиниб-тинчимаган одамлар-а», деймиз баъзан машҳур онахонимизга тақлид қилиб.

Алқисса, ўзимиз гувоҳи бўлган бир воқеани таважжуҳингизга етказмоқчимиз. Яқинда хизмат юзасидан Тошкентдаги боғчалардан бирида бўлган эдик. Мудира опа ҳали келмаган экан. Ҳовлида ўрнатилган қатор ўриндиқлардан бирига энди ўтирган эдим, келбатидан от тугул, одам ҳам ҳуркадиган барзангинамо бир киши ўзининг алолошовқини билан ҳовлини тўлдириб кириб келди. Ўрислар «шортик» деб атагувчи калта иштон кийиб олган (ўзбекка хўп хунук кўринар экан), ялангтўш. Тарбиячидан боғча мудирасининг ҳали келмаганлигини эшитиб, важоҳат билан ёнимдаги ўриндиққа чўкди. Чўнтагидан «ғарбона лаззат» берувчи сигарет чиқариб, жимжимадор ёндиргичи билан «чиқ» этиб ёқди-да, ҳузур қилиб тортди (боядаги кайфияти олдида бу ҳузур ажаб номутаносиб кўринди).

-Баҳай, тақсир, серташвишсиз?- деган сўровим, тутаб турган вужудга ёғ сепгандек бўлди, шекилли, «повв» этиб ёниб кетди:

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI — MMM

SOG' TANDA SOG'LOM AQL

Nizomiy nomli Toshkent Davlat pedagogika universiteti sport o'yingohida futbol bo'yicha universitet birinchiligi bo'lib o'tdi. O'n uchta fakultet o'rtasida ыanoat-pedagogika fakulteti jamoasi faxrli birinchi o'rinni egalladi. Professor-o'qituvchilardan tuzilgan jamoalar ham qiziqarli futbol tomoshalarini namoyish etishdi. Unda barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratgan o'zbek va qozoq filologiyasi fakulteti jamoasi bosh sovringa ega bo'ldi. G'olib jamoalar universitet «Kamolot» jamg'armasi va kasaba uyushmalari tomonidan ta'sis etilgan pul mukofotlari hamda qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlanishdi.

Sh. NISHONOV

MAKTABDA OBUNA ISHLARI

Xonobod shahridagi 2-maktabning o'qituvchilari kelgusi yil uchun gazeta va jurnallarga obuna ishlarini boshlab yubordilar. Ular «Ma'rifat», «Oila va jamiyat», «Andijonnoma», «Tong yulduzi», «Vatanparvar» gazetalariga, «Xalq ta'limi», «Boshlang'ich ta'lim» jurnallariga obuna bo'lmoqdalar.

Ayniqsa, 2-3 nomdagi gazeta va jurnallarga obuna bo'layotgan muallimlar borligi quvonchlidir.

Sh. KELDIYEV

TARBIYA YO'LIDA HAMJIHATLIK

Toshkent shahar, Sirg'ali tumanidagi «Habibiy» mahallasida joylashgan 322-o'rta maktabda «Oila maktab va mahalla uyg'unligi» mavzuida seminar bo'lib o'tdi. Seminarni tuman hokimi o'rinbosari, xotin-qizlar qo'mitasi raisasi F. Oripova, tuman ma'naviyat markazi boshlig'i Z.Mo'minova va maktab direktori N. Tursunovalar boshqarib bordilar.

Ayni kunda bunday tadbirlar davr bilan hamnafas ish olib borayotgan jamoalargagina xosdir.

G'.ESHMONOV

YUZMA-YUS UCHRASHUV

«Aks-sado» ko'rsatuvining muallifi, siyosiy sharhlovchi Quddus A'zamov shahar o'qituvchilar malakasini oshirish instituti ona tili va adabiyoti, rus guruhlarida o'zbek tili, rus tili va adabiyoti guruhi tinglovchilari bilan yuzma-yuz bo'lib,«O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida»,«Barkamol avlod-O'zbekiston taraqqiyotining poydevori« kitoblari bo'yicha suhbat o'tkazdi.Tinglovchilar o'zlarini qiziqtirgan barcha masalalar yuzasidan o'z savollariga javob oldilar. Shuningdek,Prezident farmonlarining sharhi bilan ham tanishdilar.

Uchrashuvni tashkil etishda TSHO'MOI uslubchilari Feruza Muhamedova va Gulnora Muhamadjonovalarning hissalari katta bo'ldi.

M.KARIMOVA

MMM — XABARLARI

ТИЛЛА ИСИРҒА МОЖАРОСИ

ёхуд гўзалликни англаш хусусида

(Боши 1-бетда)

-Буларнинг бари ўғри. Қизим қулоғидаги тилла исирғасини йўқотиб борди боғчадан. Шулар олган-да. Ким оларди бошқа. Ёш болалар тилланинг фаҳмига етмаса...

Алоҳа, мудира келиб қолди-ю, менга арзи дод қилиб, анча оби-тобига келиб қолган вужуд алангаланиб кетди. Қиёмат-қойим қўпди, бўёғига. Энг ҳалол деб ҳисобланувчи аъзо энг ноҳалол сўзлар атрофида айлана бошлади. Болалар мўлтираб қолишди. Хизмат билан келган бўлсам-да, бугун мавриди эмаслигини тушуниб, келган йўлимга равона бўлдим.

Мана, булган воқеа шу. Ажуза дунёнинг дилгирликларидан бири бўлиб кўринади, бундай олиб қараганда. Бироқ, қадим билгичлардан бири дарж этиб кетганидек, айнан ана шу дилгирликлар ҳаётий хулосаларнинг манбаи ҳисобланади. Келинг, биз ҳам юқоридаги дилгир можародан хулоса ясаб кўрайлик.

* * *

Албатта, фарзандларига нима олиб беришу уларни қай йўсинда кийинтириш ота-оналарнинг инон-ихтиёрида. Уларга бирор - бир йўл-йўриқ кўрсатишдан парҳез этамиз. Бироқ, болаларда гўзалликни англаш, уни қандай тарзда тушуниш, ҳис қилиш, диднинг шаклланиши худди уша ихтиёрга боғлиқ.

Хўш, боғча ёшидаги болалар гўзалликни нималарда кўришади, қандай англашади? Биз ушбу масаланинг тагига етмоқ учун Тошкент шаҳри боғчаларидан бирида бўлдик. Анча-мунчанинг фарқига етадиган тайёрлов гуруҳи болалари билан суҳбатлашдик. Узимизни қизиқтирган саволларни бердик. Таважжуҳингиз равшанлашиши учун ушбу мусоҳабани ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Савол: Атрофда чиройли нарсалар кўпми?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Кўпроқ нималар чиройли?

Жавоб: Гуллар, дарахтлар, машиналар.

Савол: Кийимларинг ҳам чиройлими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Қаери чиройли?

Жавоб: ...

Савол: (Деворда осиғлик мевали натюрмортни кўрсатиб) Мана бу расм сизларга ёқадими?

Жавоб: Ёқади.

Савол: Расмдаги қайси мева кўпроқ маъқул?

Жавоб: Олма.

Савол: Нега?

Жавоб: Ранги чиройли.

Мазкур суҳбатдан қандай хулосага келиш мумкин? Аввало, бола учун теварак-атрофдаги жимжимали ҳар қандай унсур гўзал бўлиб кўринади. Бошқача қилиб айтганда, у гўзалликни фақат нигоҳи билан туяди. Агар ваҳималироқ хулоса қиладиган бўлсак, айнан мана шу ёшдан (боғча ёшидан) гўзаллик нигоҳдан қалбга томон атак- чечак қила бошлайди. Гўзаллик юракда муҳр топсагина, инсоннинг бутун вужудида – юриши, туриши, гапиришию ҳаракатларида зуҳур этади. Унинг нигоҳда қотиб қолишидан алҳазар. Демак, нозик ўтиш даври.

Энди биз юқорида келтирган воқеа хусусида бевосита тўхталсак. Аниқроғи, қуйидаги манзарани ҳавола этсак. Алқисса, боғча ёши бола учун гўзалликни том маънода ҳис қилишга ўтиш даври. Ҳозирча, нигоҳий тасаввур илгари туради. Шунда боя таъкидлаганимиз ихтиёр ҳукмфармолик қила бошлайди. Она қутқу бошлайди: «Қиз боланинг қурки – тилла. Қизимизга тилла исирға олиб беринг». Валломат ота дарҳол аёлининг (узининг ҳам) истагини бажо келтиради. Тилла исирға олиб беради. Она тақинчоғини қизининг қулоғига (агар тешилган бўлса) тақиб қўяр экан, тахминан шундай монологни уқийди: «Катта бўлсанг, бундан ҳам қимматларини олиб бераман. Ҳамиша тиллага қўмилиб юр. (Яна қайтаради)Қиз боланинг қурки – тилла».

Мазкур монологдан сўнг қизчанинг хаёлидан тубандаги монолог кечади:«Ҳа-а. Тиллаю қимматбаҳо нарсалар кўрк экан-да. Демак, гўзаллик ана шу нарсалардан иборат». Нуқта. Бу нуқта қизчанинг фикрига ҳам, унинг гўзалликни англаши учун ҳам тегишли.

Шу тахлит гўзаллик жимжимаю оҳанжамалар, тиллаю кумушлар тимсолида нигоҳда қотиб қолди. Қалб томон етолмади. Бинобарин, у маҳдуд бир тушунчага айланди. Мана, кечиши мумкин (тўғрироғи, тайин) бўлган манзара таважжуҳингизга етди. Биз буларнинг барчаси билан «ота-оналар фарзандларига қимматбаҳо нарсалар, тиллаю кумуш тақинчоқлар олиб бермасин»деган фикрдан мутлақо узоқмиз. Яна

Гўзаллик ишлайиш,
Манглайин терлатиш,
Гўзалдир унган иш,
Мақтанса ярашар

деган ақидани ҳам илгари сурмоқчи эмасмиз. Гўзалликни барча ўзи учун кашф қилиш керак. Фақат нигоҳда эмас, қалбда. Бунинг учун болалик қуникмаси лозим. Уни эса ота-оналар яратади. Сизга айтмоқчи бўлган бор гапимиз - шу.

Асқар ШОКИР

Metodik tavsiyalar

КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА ДАРС

Конституция ҳаётимизнинг қонуний ойнаси. У шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ-бурчларини белгилайди, кафолатлайди. Конституция куни бизда байрам қилинади. Бу кунга бағишланган дарсларнинг мазмун-моҳиятини қандай белгилаш лозим?

Авваламбор дарс ўтишда мавзу ва адабиётларни тўғри танлай олиш лозим. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 1998 йилда чоп этилган янги нусхасидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Дарслар ва маънавий-тарбиявий тадбирлар бу йил «Конституциямиз — «Мустақиллик қомуси» мавзусига бағишланиб ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки Конституция мустақиллик меваси ва у истиқлолни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 1-9 синфларида бу мавзуга бағишланган дарс ва тадбирлар мазмуни унинг юртимизда яшовчи фуқаролар бахт-саодатини таъминлашга, уларнинг имконларини белгилаб беришга қаратилгани билан боғланади. У бизга инсон ҳуқуқларини, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик ва адолатли, келажаги буюк давлат қураётганимизни эслатиб туради. Шунингдек, дарс ва тадбирлар тайёргарлик кўриш жараёнида давлат тили бўлган ўзбек тили, давлатимиз Байроғи, Мадҳияси, миллий тарбия, ахлоқ-одоб қоидалари, экология, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларига жиддий эътибор бериш лозим. Ўқувчи-ёшларга бу сиёсий ҳужжатнинг қачон ва қайси йилида қабул қилинганлиги, нечта бўлим, боб ва моддалардан ташкил топганлиги ҳақида маълумот берилади.

Мустақил она диёримизда, энг аввало демократик, умуминсоний тамойиллар асосида ҳуқуқий ва адолатли жамият қурилмоқда. Демак, юртимизда инсон қадрланади. Давлат халқ учун хизматда. Шу сабабдан Конституциямизнинг 1 бўлими, II боб, 13-моддасига алоҳида урғу қаратиш лозим.

Ёш авлодни маънавий баркамоллик тамойиллари негизида тарбиялашда уларнинг қалбида Ватан туйғуси, ватанпарварлик, ўз эл-юртига меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳисларини шакллантиришда, шу асосда давлатимиз рамзлари моҳиятини очиб беришда Конституциямизнинг I бўлими, I боб, 4-5 модда, II бўлим XI боб, 52-моддаларидан фойдаланиш лозим.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълимни кучайтириш, уларни конституциявий ҳуқуқ соҳасидан бохабар этиш талаб қилинади.

Ҳуқуқий маданиятли инсон қонунни ҳурмат қилади. Қабул қилинган қонунлар ким учун, нима учун эканлигини тушунган ҳолда, унга итоат этади. Бу Конституциямизнинг III бўлим, Y боб, 18 моддасида ўз аксини топган.

Ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яъни мулкдор бўла олиш, меросхўрлик, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, бепул умумий таълим олиш даврлат томонидан назоратда эканлигини Конституциянинг YIII бўлим, IX боб, 36, 37, 40, 41-моддалари орқали тушунтириш лозим. Бу моддаларни ҳаётий мисоллар билан чуқурлаштириш керак.

Конституцияга бағишланган дарсларни, маънавий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва олиб боришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Анъанавийлик ва ноанъанавийлик ҳар бир ўқитувчининг ўз иши.

Давра суҳбати, савол-жавоб, лекция, маъруза, баҳс, конференция, учрашув шаклини танлаш ўқитувчиларнинг ўз ихтиёрларида бўлиб, энг муҳими ўқувчилар онгига Конституция ҳақидаги умуммиллий туйғуларни сингдиришдан иборат.

I-IY синфларда Конституция тўғрисида сўз юритилганда, болаларнинг ёши, билим даражаларига қараб бадиий адабиётлардан, кичик-кичик шеър, эртак, ҳикоя, ўйин намуналаридан фойдаланавериш мумкин. Бу эса мавзу мазмуни, мақсад ва вазифасини имкон қадар содда ва самарали тушунтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, таълим-тарбия муассасаларида ҳуқуқ-тарғибот органи ходимлари, йирик ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутасадди ташкилот мутахассислари, халқ ноиблари, шоир, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш, Конституциямизга оид яратилган фильмлардан фойдаланишнинг самараси ўз-ўзидан маълум.

Олий ва ўрта педагогика ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда Конституциянинг ҳар бир бўлими, боби ва моддаларини кенгроқ таҳлил этиш, унинг назарий асосларини ва давлатимиз учун амалий аҳамиятини чуқурроқ тушунтириш талаб этилади. Бунда ҳар бир фуқаронинг (айниқса ўқувчи-ёшларнинг) давлат, оила, жамият олдидаги бурч ва вазифаларини ҳаётий мисоллар асосида шарҳлаб ўтиш лозим.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, дарс жараёнида Конституциямизнинг барча қирраларини очиб беришда юртбошимиз И.Каримов асарларига албатта тўхталиш, бадиий ва сиёсий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари материалларини мумкин қадар муҳайё этиш лозим.

Байрам тадбирларини «Камолот», «Умид», «Улуғбек», «Маҳалла», «Устоз», «Олтин мерос» каби жамғармалар ёки бошқа ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ёки улардан вакилларни таклиф этган ҳолда ўтказиш тавсия этилади. Фаол қатнашганлар тақдирланади.

Мустақилликнинг бош қомуси бўлган Узбекистон Республикаси Конституцияси истиқлол йўлини ёритувчи буюк ҳужжатдир.

Бугунги ўқитувчи ва тарбиячилар байрам тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказишга масъулдирлар.

Республика таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Кремлнинг айтишича, касалхонага ўпка яллиғланиши билан келтирилган Президент Ельциннинг аҳволи ҳозир қониқарли. Ҳарорати эса нормаллашган.

***

Тайваннинг пойтахти Бангкокда сил касаллигининг тарқалиши натижасида дунё миқёсида таназзул келиб чиқиши хавфига бағишланган анжуман очилган. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Ҳиндистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида сил эпидемияси аллақачон тарқалган ёки сайёҳлар томонидан бошқа мамлакатларга ҳам олиб ўтилиши мумкин.

ЛОНДОН, «ВВС» ўзбек хизмати.

* * *

Лондон – Бағдод. Бағдоддаги мухолифат Буюк Британия ва АҚШ кўмаги доирасида Саддам Ҳусайнни бир ёқлик қилишга ҳаракат этмоқда. Лондондаги Британия дипломатлари билан музокаралардан сўнг Ироқдаги 15 мухолиф гуруҳ раҳбарлари таъкидлашларича, улар Ироқда демократия ўрнатилишига фаол жонбозлик кўрсатишади.

***

Франция. Европа мамлакатларидан олтитаси – Бельгия, Люксембург, Испания, Португалия, Греция ва Франция душанба кунидан Европа Иттифоқи чиқарган қарорнинг темир йўллари тўғрисидаги қисмига қарши сифатида ўз норозиликларини билдириб намойиш ўтказишни бошлашди.

Германия, «Немецкая волна».

Munosabat

ТЎЙИМИЗ-ЎЙИМИЗ

Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимизнинг сермазмун нутқини тингладик. Ундан аввал эса тўй-ҳашамларни ихчамлаштиришга доир Фармон эълон қилинган эди. Эндиликда махсус қўмиталар, идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга биргаликда зарба беришлари, замон талабига мос тўй-маъракаларни ўтказишлари керак. Фармондан келиб чиқадиган вазифалар ҳаётда ўз ижросини топса, адолат юзага келар эди.

Самарқанд кооператив институти жамоатчилиги Президентимиз Фармони ва сессия материалларига ўз муносабатини билдирди. Ушбу масалалар бўйича институт ректори, профессор А.Жабриев, доцент Й.Абдуллаев, профессор З.Ризаев, профессор Р.Абдуллаев, доцент У.Худойбердиевлар чиқиш қилдилар. Институт маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, доцент Р.Қаршиев Фармон бандларини бирма-бир шарҳлади.

Институт жамоаси тўй-маъракаларни дабдабасиз ўтказиш бўйича махсус комиссия таркибини тасдиқлади.

Ҳ.МУСАЕВ, профессор

Tadbir



ЛИБОСЛАРДА АКС ЭТГАН ЎЗЛИК

Инсон яшамоғи керак.

Бу унинг емоқ-ичмоғи билан боғлиқ. Аммо яна бир эҳтиёж борки, усиз кишиларнинг яшаш тарзи кулгили ва маънисиз туюлади. Бу унинг эгнидаги либосидир. Ҳадисларда айтиладики, кийим киймоқ инсоннинг уят жойларини беркитмоқ даражасида фарздир.

Хўш, бизнинг ўзбекона либосларимиз қандай эди? Қандай бўлиб қолди? Асл кийимларимизни эгнимизга оляпмизми?

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган уч кунлик илмий-амалий анжуман қатнашчилари ана шу саволга жавоб излашди. Унинг «Шарқ либослари – дизайнерлар ижод манбаи» деб номланишига ажабланишнинг ҳожати йўқ.

— Камалакдай етти рангда жилоланувчи хонатласни кийганда қайси ўзбек аёлининг ҳўснига ҳусн қўшилмайди? — деди анжуман очилиши олдидан институт ректори Ҳ. Алимова. – Ипакдан, пахтадан тўқилган матоларнинг инсон танаси ва соғлиги учун нақадар катта аҳамият касб этиши ҳам маълум. Бироқ ҳозирги пайтда биз, айниқса ёшлар ҳар хил синтетик толалардан тўқилган кийим-кечакларга ружу қўймоқдамиз. Ваҳоланки, улар соғлик учун зиён. Ўйлаб кўринг, аллергик касалликлар нима учун кўпайиб кетди?

Биз бу анжуманни нима учун ўтказяпмиз? «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини дилимизга жо этган ҳолда, институтимизда таҳсил олаётган ёшларни «дизайн», яъни лойиҳалаш соҳасига чуқурроқ олиб кирмоқчимиз. Негаки улар келгусида етук мутахассис бўлишса турдош саноат корхоналарини моҳирлик билан бошқариб кета олишади. Турган гапки, ишнинг кўзини пухта биладиган кадр шарқона либосни ҳам дид билан тайёрлай олади.

***

Манекенчилар эгнидаги ял-ял ёнувчи хонатлас кўз қамаштиради... Помбархит қўйлакнинг ёқаси, енги, этак қисми шу қадар дид билан безатилганки, ҳар қандай аёл эгнимга илсам дейди. Беқасам тўн, ўзбек миллий дўпписи... Ҳамма-ҳаммасида жозиба, латофат бор эди. Ахир, улар бизнинг қадимги миллий либосларимиз.

Қўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, республика модалар уйи ва институт ҳамкорлигида уюштирилган бўлса-да, унга Бухоро озиқ-овқат технологияси, Уш технологияси, Москва енгил саноат технологияси институтлари ҳам бош қўшишди. Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, Белоруссия каби давлатлардан ташриф буюрган делегация вакиллари қўргазмада намойиш қилинган либосларга «беш» кетишди...

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари фақат кийимлар намойиши билан кифояланишмади. Бир қанча шўъбаларга бўлинган ҳолда ўзаро фикр алмашишди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Jarayon

ЖЎШҚИНЛИК ОҒУШИДА

Мактаб ҳамма учун қадрдон ўша. Минглаб ўқувчиларни ўзига чорлайдиган масканлардан бири Навоий вилояти, Навоий туманидаги Хурсандой Эгамова номли мактабдир. Мактабда асосан 30 та синф бўлиб, шундан 12 таси бошланғич синфдир. 7-«А» синф тиллар бўйича йўналтирилган гимназия синфи, 11-«А» синф эса она-тили ва адабиёти бўйича чуқурлаштирилган синф, 5-«Б» синфи эса футбол синфи ҳисобланади. 1997-1998 ўқув йилида Ўғилой Туробова,Робия Аҳадова, Турдигул Остонова, Аваз Ҳошимов, Баҳодир Туробов, Зебунисо Бозорова, Муқаддас Қулиева сингари ижодкор ўқитувчилар самарали фаолият кўрсатишди. «Йил ўқитувчиси», анъанавий кўрик-танловида Рузибиби Омонова биринчи ўринни, Зебунисо Бозорова иккинчи ўринни, Меҳринисо Кенжаева учинчи ўринни эгаллашди. Мактабда ўтказилган синф раҳбарлари кўрик-танловида эса муаллима Турдигул Остонова ғолиб чиқди. Шунингдек, репетиторлар курси ва тест гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Янги ўқув йилининг учинчи ойи давом этар экан, Уринбой Рустамов, Носир Ҳайдаров, Ўғилой Туробова, Шавкат Соатов, Рузибиби Амонова, Бахтиёр Тошев, Аваз Ҳошимов каби ўқитувчилар замонавий талаблар асосида ёшларга таълим-тарбия бермоқдалар. Мактабда 12та «Правец» компьютери бўлиб, ўқувчиларнинг информатика фанига бўлган қизиқишлари чексиз.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг шахси, билими, лаёқати, изланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш диққат эътиборда. 65 нафар ўқитувчига навбатдан ташқари уз пулига 50 кг ун, мактаб жамоасининг 112 нафар аъзосига эса арзон нархда 30 кг дан буғдой берилди.

Бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ҳар бир билим даргоҳи молиявий жиҳатдан узини узи таъминлаши лозим. Шунинг учун ҳам мактабда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Масалан, ўтган ўқув йилида деҳқончиликдан 20 минг сўм, чорвачиликдан 17,5 минг сўм, гиламчиликдан 1000 сўм, тикувчиликдан 4 минг сўм, репетиторлик курсларидан 1000 сўм, спорт залидан 1.200 сўм, мевали ва манзарали дарахт сотишдан 6,5 минг сўм, жами 70 минг сўмдан ортиқ даромад қилинди. Ушбу даромад мактаб камчиликлари учун ҳам сарфланди.

— Келгусидаги режаларимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, аввало, таълим ва тарбия ишларини янада мукаммалроқ олиб бориш, кўп балли баҳолаш тест-рейтинг усулига ўтиш, 10 дан ортиқ ўқувчини олий ўқув юртларига киритиш учун тўлиқ тайёрлаш, янги типдаги синфлар сонини кўпайтириш (гимназия, чуқурлаштирилган, йўналтирилган ва ҳоказо), мактабни барча кўрсаткичлар бўйича туман миқёсида етакчи ўринга олиб чиқишдан иборат, —дейди мактаб директори Равшан Ҳасанов.

Дарҳақиқат, мактаб муаллимлари, ўқувчиларни кузатар эканман, уларнинг хатти-ҳаракатларида ғайрат жўшиб турганини илгагандек бўлдим. Зеро, бу ҳолат илм-маърифатни эгалламоқ учун бош манбадир.

Ибодат СОАТОВА

Sinab ko'ring

ХОЛИС САРАЛАШ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислоҳотлар мажмуаси ўзаро боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Айни пайтда узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотларнинг изчиллиги жамият равнақининг пойдевори ҳисобланади. Бу пойдеворнинг мустаҳкамлигини таъминлашда ўқувчи-ёшларнинг қобилияти, истеъдоди ва иқтидоридан келиб чиқишнинг аҳамияти беқиёс. Устозларнинг масъулияти эса, бу борада ўта юксак саналади.

Чунки, бир мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш учун сарфланган 13-15 йиллик маблағ кутилган натижани бермаса, икки тарафлама зарар кўрилади. Аввало, шахс ўз ҳаёт йўлини топа олмаслиги бўлса, иккинчидан, жамият ривожи ҳам тўғаноққа учрайди. Умуман олганда, олимларнинг таъкидлашича, жамиятдаги ноқулайликлар, одамларнинг миқдорий ортиқчалиги ҳисобига эмас, балки ҳар ким ўз иш ўрнини тўғри топа олмаганлиги ҳисобига рўй берар экан. Сир эмас, жамиятимизда ҳам, айрим ота-оналар ўз мавқелари, моддий-маънавий таъминланганлик даражалари имкониятларидан келиб чиқиб, фарзандларнинг келгуси ҳаётига ташкилий таъсир кўрсатадилар. Бу таъсирнинг пировард натижаси фарзандларнинг мустақил фаолият кўрсатишларини чеклаб қўяди ёки кутилган натижани бермайди.

Бошқа истеъдод ва иқтидор эгаларининг йўли беркилади.

Шундай экан, ҳақиқатан ҳам иқтидорни қадрлай олиш ва уни вояга етказиш ҳар бир виждонли кишининг мақсади ва орзусидир. Афсуски, иқтидорни саралаш мезони, шу кунгача кўпроқ айрим шахсларнинг марҳамати ва мурувватига боғлиқ бўлиб келди. Натижада, «табиий танлаш» мезони бузилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ҳамда туб ислоҳотларнинг кун тартибига қўйилиши мазкур бузилишларни бартараф этишни бошлаб берди. Фидойи устозлар меҳнати туфайли эса, йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш борасидаги услубий ишланма ва йўриқномалар яратилди.

Истеъдодли ўқувчи-ёшларни саралашга оид изланиш натижаларидан бири Республика истеъдод маркази муассислигида тайёрланган профессор Б. Қодировнинг «Синф зукколарини танлаш методикаси»дир. Мазкур методик қўлланма иқтидорли зукко болаларни танлашда «истеъдод - шахс- миллат-жамият»нинг узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан ёндашиб иш кўришга асосланган. Бундай устиворлик бежиз эмас, албатта. Чунки, истеъдод нафақат шахс мулки, у жамоат мулки ҳамдир. Истеъдоднинг шахсий худбинлик, манфаатпарастлик ва такаббурлик гирдобида қолиб кетиши, жамият учун кечирилмас ҳол ҳисобланади. Мазкур қўлланмадаги услубий ёндашув ўқувчи-ёшларда юзага чиқиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Кузатувларга қараганда, хорижий ривожланган давлатларда, хусусан, Японияда кадрлар тайёрлаш сиёсатида мазкур ёндашув асосий унсурлардан бири бўлган. Қўлланма шахснинг ақл-заковат лаёқатини ҳисобга олишда муҳим ўлчов мезони вазифасини бажаради. Методикани мактаб шароитида қўллаш махсус тайёргарлик ва алоҳида модий-техник воситаларни жалб этишни талаб этмайди. Саралаш ўтказиладиган синф ўқувчиларига талаб эса, уларнинг ўзаро камида бир йил мобайнида ҳамкорликда ўқиган бўлишлигидир. Саралаш жараёнини босқичларга табақалаштириш методика моҳиятини ойдинлаштиради.

Аввало, саралаш ўтказиладиган синф ўқувчиларига саволлар таркиби ва жавоб бериш тартиби тушунтирилади. Жавоб варақачалари тарқатилади. Иккинчи босқичда жавоб варақалари сараловчи томонидан йиғиб олиниб, ундаги маълумотлар янги жадвал (матрица)га ўқувчиларнинг ҳар бири бўйича ёзиб чиқилади.

III босқичда ҳар бир йўналиш бўйича янги жадвал тузилиб, тўпланган овозлар, баллар ва лаёқат коэффициенти ҳисобланади. Лаёқат коэффициенти тўплаган балнинг овоз натижасига нисбатидан иборат.

Коэффициентнинг бирга яқинлиги лаёқатлилик («юлдузлик») даражасининг юқорилигини билдиради.

IV босқичда тузилган жадвал бир неча йўналиш бўйича лаёқатлилиги (иқтидори) юқори бўлган ўқувчилар ичидан синф «юлдуз»ларини танлаш имконини беради.

Юқоридагилардан ташқари, методикада мактаб, туман, шаҳар доирасида саралаш ўтказиш хусусиятлари ҳам берилган. Муаллиф методикасининг ижобий (саралашнинг осон ўтказилиши, ҳаётийлиги, объектив маълумотларга асосланиши) ва салбий жиҳатларини (сараланиши нисбатан чегараланганлиги, кутилмаган натижаларнинг ҳосил бўлиши) кўрсатиб берган.

Методиканинг илмий-амалий аҳамиятига шахсий мулоҳазалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Методикани қўллаш: ўқитувчига яхши кўриниш учун ўқиётган «кўчирмачи» ўқувчиларга нисбатан, камтарин ўқувчиларнинг мавқеини ошириди; худбин ва манфаатпараст ўқувчилар қўпайишининг олдини олади; ўқувчиларда демократик анъаналар шаклланиши ва ижтимоий адолат қарор топишига ишончни мустаҳкамлайди: ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўқувчилар тўғрисида варақа тўлдириб, параллел саралаш ўтказиш имкониятини беради.

Айни пайтда методика, 5 баллик баҳо тизимидаги «текисчилик» холатларига тузатиш киритади. Мазкур методикани такомиллаштириш «Педагогик статистика» фанининг маълум бўғини сифатида шаклланишига имкон беради.

Пировардида Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини баён этиш ўринлидир: «Билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган, истеъдодли болаларни топиш, танлашда, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиш учун барча замонавий имкониятларни яратиб бериш керак».

Демак, профессор Ботир Қодировнинг мазкур методикаси юқорида зикр этилган вазифаларни ҳал этишдаги амалий изланишлар натижасидан иборат. Шунингдек, методика иқтидорли ўқувчи-ёшларни саралашда зарурий қўлланма вазифасини ўтайди.

Низомиддин ЎРМОНОВ, ТошДИУ докторанти

Til bilgan – el bilar

ЭЪТИБОР

**** Ошиғим олчи бўлсин десангиз...***
****11 ойлик даромад —— 7000000 сўм***
**** Она тилига беписандлик гумроҳликдир***
**** Хорижий тиллар асосида махсус телеканал зарур!***

Тил эллару элатларни бир-бири билан боғлайди, тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка восита бўлади. Асримиз бошларида жадидлар ҳаракатининг намоёндаларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомиз миллат истиқболи, тараққиёти ҳақида куйиниб: «икки эмас, тўрт тил лозим»лиги ҳақида бонг урганида ҳақ эди. Минг афсуски, собиқ Шўро даврида хорижий тил номигагина ўқитилар, бу билан сенлардан ким чиқарди, барибир барча алоқалар марказ орқали амалга оширилади, қабилидаги шаъма ётарди. Оллоҳга ҳисобсиз шукрки, давр ўзгарди, бугун тил билганга дунё эшиги очилмоқда. Бир вақтлар чет тилини билганларга шубҳа билан қаралиб, улар «рўйхат»га олинган бўлса, эндиликда дунё билан тиллаша оладиган малакали таржимон ҳар қадамда зарур.

Биз Чорсудаги республика Тил маркази раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент Аббос Ирискулов билан марказ фаолияти, ёшларнинг хорижий тилларга муносабати мавзуларида суҳбатлашдик.

— Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилдаги 197-сонли «Республика ўқувчи-ёшларига ва мутахассисларига чет тилларини кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Унга асосан ёшларга зарур ҳажмда чет тилини жадал ўқитиш, уларнинг электрон-ҳисоблаш техникасида ишлаш кўникмаларини ҳосил этиш, тингловчиларни хорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданияти, давлат ва сиёсий тузилиши, ижтимоий-сиёсий мавқеи билан таништириш бош мақсад эди. Шу кунга қадар 15 минг нафарга яқин тингловчи марказда ўқиди. Марказда инглиз, немис, француз ва испан тиллари ўқитилади. Тиллар кафедрасида эса хорижликларга ўзбек тили ўргатилади. Тингловчиларга 70 нафар малакали ўқитувчи дарс беради.

Шунингдек, рус ва ўзбек тилларида сабоқ бериладиган компьютер марказимиз ҳам муваффақиятли иш олиб бормоқда.

— Марказнинг молиявий таъминот манбаси қандай?

— Асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жаҳон тиллари университетлари қўллаб-қувватлашади. Қолаверса, давлат грантидан ташқари хўжалик ҳисобида ҳам ишлаймиз. Марказнинг ўтган йилги даромади 5000000 сўмга етган бўлса, бу йил шу кунгача эса 7000000 сўмни ташкил этмоқда.

Бир вақтнинг ўзида 550-600 киши ўқиши мумкин бўлган бинога эгамиз. Бундан ташқари буюртма асосида ташкилотларнинг ўзига бориб ҳам тил ўргатиш хизматини ташкил этганмиз. Шу тариқа ҳар йили 1200-1400 тингловчи марказда ўқиб чиқмоқда.

— Ўқув жараёнида қандай ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қиласизлар?

— Биз «CAFE» («Марказий Осиёга беғараз ёрдам») халқаро корпорацияси билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Корпорация марказ учун хориждан чет тили ўқитувчилари олиб келади. Шунингдек, биргаликда компьютер маркази ҳам ташкил этганмиз. Бу марказда ўқиш ўзбек, рус, инглиз тилларида олиб борилиши билан мамлакатимизда ягонадир. Корпорация ўзининг 50-60 минг китоб фондига эга бўлган «Мустақиллик» халқаро кутубхонасини Тил марказига жойлаштирганлиги ҳам айни муддаодир.

Англиянинг «Leeds» университети, АҚШнинг «Interrarsity» университетлар уюшмаси ва Жорже штатида (АҚШ)ги «Brewton Parker college» билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Мазкур ўқув муассасаларидан Марказимизга ўқитувчи ва талабалар келишади.

Шунингдек, Британия Кенгаши (Буюк Британия), Альянс Франсес (Франция), ДААД (Германия) каби халқаро ташкилотлар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан Марказга ёрдам беришяпти.

— Бугунги тил ўрганаётган ёшларимизнинг айримлари она тилимизга нисбатан беписандлик билан қараётгандек туюладилар менга. Сизнинг бунга муносабатингиз?

— Менимча, ҳозир бир вақтлар рус тилига қўйилган оилавий ружу сингари инглиз тилига нисбатан ҳаддан ташқари «Лисоний қараш» (модапарастлик) йўқ. Ўз она тилини инкор этиш эвазига чет тилини ўрганиш – гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Миллатимиз томонидан бир марта қилинган хато иккинчи марта қайтарилмаслиги керак.

— Чет тилини қисқа фурсатда мукаммал ўрганиш йўллари нимада деб ўйлайсиз? Бу борадаги таклифларингиз?

— Биз баъзан 1-2 ойда тилни ўргатадиган «шоввоз»лар, «бор»лиги ҳақида тез-тез эшитамиз. Буларнинг бари ўз-ўзини реклама қилишдан бошқа нарса эмас. 41 йиллик фаолиятимдан келиб чиқиб хулоса қилишим мумкин: тил ўрганишнинг битта йўли бор. Бунинг учун вақт, сабр ва кучли тизим керак. Бир томонлама айтайлик, фақат лексика ёки фақат грамматикани ўрганиш ўзини оқламайди.

Менинг таклифим: Ўзбекистон телевидениесида махсус бир канал бўлса. У орқали ғарб ва шарқ тилларида доимий кўрсатувлар тайёрланиб, ибратли фильмлар ўз аслиятида намойиш этилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

— Сизга орзу-ниятларингиз рўёбини тилаймиз. Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

Норали ОЧИЛОВ
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Bolalar bog'chalarida

АВВАЛО БОЛА МАКТАБГА РУҲАН ТАЙЁР БЎЛСИН!

Болалар боғчалари ҳақида гап кетганда ота-оналарнинг икки хил қараши мавжуд: биринчи тоифа уни ўзи ишда пайтида болаларига қараб турадиган дастёр деб тушунади, иккинчиси эса биринчисининг бу қарашини ҳам ҳисобга олган ҳолда унга яна бир вазифани, яъни фарзандини мактабга тайёрлашни ҳам юклайди.

— Илгарилари кўпчилик ота-оналар болаларини эрталаб шошиб ташлаб кетишу кечда олиб кетишдан бошқа нарсани билишмасди, — дейди Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидаги 299-«Камалак» болалар боғчаси мудираси Фарида Абдуллаева. – Сунгги йилларда эса ўз фарзандининг болалар боғчасидаги туриш-турмуши, нималарни ўрганаётганлиги деярли барча ота-онани бирдек қизиқтирмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда илмга, маънавиятга булаётган алоҳида эътиборнинг таъсири. Биз ҳам ўз ишимизнинг якуний натижаси сифатида боланинг мактабга тайёргарлигини назарда тутган ҳолда фаолиятимизни ташкил этганмиз. Албатта бола ҳарфларни таниса ёки санашни билса мактабга тайёр деган гап эмас. Аввало, у мактабга руҳан тайёр булиши, муҳит ўзгаргач, унга тезда киришиб кетиши лозим. Биз болажонларга кичик ёшидан жамоа булиб турли ўйинлар, тадбирлар ўтказиш, уларда ўзаро елкадошлик, муносабат кўникмаларини ҳосил қилиб бориш баробарида катта гуруҳларга ўтгач, таълимнинг элементар унсурларини сингдириб боришга ҳаракат қиламиз.

Биз ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган ушбу болалар боғчаси билан яқиндан танишганимизда, у ердаги саранжом-саришталик, гуруҳлардаги ўзига хос муҳит мудиранинг юқорида айтиб ўтган гапларини исботлади. Тарбиячилар методист Жанна Богдасарянниннг(1-суратда) доимий маслаҳатлари билан болаларни ҳар томонлама шакллантириш билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Тарбиячилар Феруза Даминжонова (2-суратда), Лола Юлдошева(3-суратда) болажонларга қизиқарли ўйинлар ўргатиб, уларни шу ўйинлар орқали мактабга ҳам тайёрлашмоқда.

Ота-онанинг юқоридаги каби қарашларига келсак, демак, иккинчи гуруҳдагилар фикрига қўшилсак булар экан. Шу уринда болалари боғчага қатнайдиган (уйда олиб ўтирганларга ҳам тааллуқли)ларга маслаҳатимиз: фарзандингиз тақдирига бефарқ бўлманг, негаки, дарахтнинг тўғри бўй чўзиши унинг ниҳоллигидаги парваришга боғлиқ.

Мухбиримиз
Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

БОҒЧАДА ШОДИЁНА

Пойтахтнинг Шайҳонтоҳур туманидаги Ибн Сино-1 маҳалласида жойлашган 197-болалар боғчасида маскан ташкил топганининг ўн йиллик юбилейи нишонланди. Дилбандлар байрамона безатилган болалар гулшанига қўлларида гулдасталар билан ясанган ҳолда ташриф буюришди.

Анжуманда боғча ташкил этилгандан буён унга раҳбарлик қилиб келаётган Нодирахон Шомаъдиева йиғилганларни юбилей билан табриклаб, уларга кичкинтойлар масканининг тарихи, фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди.

- Ҳурматли меҳмонлар, азиз мураббийлар,- деди сўзга чиққан ТХТБ мактабгача таълим бўлими услубчиси Васила Йўлдошева, - 197-болалар боғчаси туманимиздаги илғор масканлардан бирига айланмоқда. Бу борада ўғил-қизларга яхши таълим-тарбия бераётган меҳрибон мураббийлар ҳамда «Қалдирғоч» ансамблини ташкил этган Муҳтарама Эргашеванинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Боғчанинг аҳил, изланувчан жамоасини ТХТБ номидан табриклаш билан бирга унинг тумандагина эмас, балки шаҳарда ҳам намунали масканлардан бўлиб қолишига ишончим комил.

Шодиёнада маҳалла фаоллари, ота-оналар, қўшни мактаб ўқитувчилари ҳам ўзларининг дил изҳорларини баён этдилар.

«Қалдирғоч» ансамблининг ёш ҳаваскорлари қўшиқ ва раққслари билан тантанага файз киритдилар.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ

Mulohaza

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Мана, Республикамизнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллаларида оқсоқолларни қайтадан сайлаш Олий Мажлис Кенгашининг шу йил 3 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, ҳаётимиз қомуси бўлмиш Республика Конституциясининг 105-моддасида баён этилган фикрлар оқсоқоллар ва улар маслаҳатчиларининг 2,5 йиллик ваколати тугаганлиги ҳамда бу лавозимларга қайтадан сайлов ўтказиш лозимлигини белгилаб берди.

Утган 2,5 йил давомида Ватанимиз тарихида ҳам, оқсоқоллар ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Юртимиз салоҳияти оша бориши билан бир қаторда ўзини-ўзи бошқариш органларига давлат томонидан берилаётган ваколатларнинг салмоғи ҳам ортмоқда. Оқсоқоллар давлат, маҳаллий ҳокимият органларининг жойлардаги ишончли вакилига айланди, юрт сиёсатини маҳаллаларда юргизувчи шахс сифатида намоён бўлди. Улар ўзларининг жамиятда тутган ўринларини янада чуқурроқ ҳис этдилар.Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари ўтган даврда катта тажриба орттиришди. Барча вилоятларда жорий 1998 йил давомида бўлиб ўтган маҳалла раисларининг аттестацияси, оқсоқолларнинг аҳоли орасида фаолият юритишига берилаётган баҳо замон талабига жавоб берадиган фидоийлар кераклигини кўрсатаяпти.

Маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, тарбиявий ишларга лаёқатли, оқилу донишманд, адолат йўлида жонқуяр, маслаҳатгўй, ташкилотчилик ҳамда ҳисоб-китоб юритиш қобилиятларига эга бўлган намунали хонадон вакиллари ичидан сайланиши керак. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ҳақида ҳам билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, аҳоли орасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориши юзасидан аниқ режа-дастурлар ишлаб чиқиш ҳам уларнинг зиммасидадир.

Оиласи, қўни-қўшнилари ва маҳалла-қўй тинчлигини бузиб, безорилик қилганларга нисбатан қатъиятлик билан ҳаракат қилиши ва бундайларнинг илдизини қирқувчи ҳам маҳалла фидойисидир. Республика Президентининг шу йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамларни, оилавий тантаналарни ва маърака-маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонида маҳалла оқсоқоллари, улар маслаҳатчилари, «Маҳалла» жамғармаси масъул ходимлари, маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат Кенгаши фаоллари, маҳалла фидойиларининг масъулиятли вазифалари белгилаб берилди.

Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раисини сайлашга ҳам жиддий эътибор беришга тўғри келади. Чунки бу кенгаш маҳаллаларда катта вазифани бажаради. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши фаолиятини белгилаб берувчи йўл-йўриқлар маҳалла НИЗОМида ўз аксини топмоғи лозим.

Маҳалладаги ҳаёт кўп жиҳатдан оқсоқолнинг ўз фаолиятини қандай юргизишига боғлиқ. Туйларни камҳаражат, юқори маданиятда ўтказиш маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларига боғлиқ.

Маърифатни зўравонлик билан эмас, ёғиғи билан тушунтириш зарур. Бу ишда оқсоқоллардан собитқадамлик талаб қилинади. Маҳаллаларда тўй-маросимларни ўтказиш тартиби оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари томонидан тушунтирилиши, тўй комиссияси аъзоларининг деярли ярми аёллардан бўлиши керак.

Тўй ва маросимларни ўтказиш комиссияси ҳар бир шахс билан тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Давлат кўрсатаётган моддий ёрдамга қўшимча қилиб, «Оила» Маркази, «Камолот» жамғармаси, «Дийдор» реклама фирмаси, УзБАТҚКнинг Тошкент вилояти ва пойтахт шаҳрида ёшлар билан олиб бораётган дастури муҳим бир воқеадир. Ёшларни соғлом ҳаёт кечиришга ундовчи «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» шиори остида ўтаётган мазкур тадбир мактаб ёшидагиларга катта қизиқиш туғдирмоқда.

Бизнинг фикримизча, маҳалла ҳаракатига тегишли бўлган, ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳам йўқ эмас.

Маҳаллаларнинг бир-бирлари билан боғланиб, ўзаро амалий тажриба орттиришига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти юзасидан ягона давлат сиёсатини юргизишда ҳануз оқсамоқдамиз.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли сонидан келиб чиқиб, идораларидаги масъул ходимлар сони белгиланиши керак. Ҳозирги вақтда Тошкент маҳаллаларини олсак, 1000 хонадони бўлган маҳалла ҳам, 10 минг хонадони бўлган маҳалла ҳам икки масъул ходимга эга. Вилоятларда эса айрим ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳанузгача маошсиз ишлашади. Ҳозирги шароит, албатта, бундай ёндашувни кўтармайди.

Президентимиз фармонлари ва республика Олий Мажлиси Кенгаши Қарорларини маҳаллаларда беками кўст ижро этиш мақсадида, маҳалла фаолларининг яхши ишлаши, оқсоқол лавозимига номзод бўлганлар маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан келишган ҳолда ўз дастурларини аҳоли ўртасида ташвиқот қилишлари уларга сайлов олдидан берилган имкониятдир.

Албатта, «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари, ҳокимият, шаҳар ва туман маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат Кенгашининг вакиллари якдиллик билан оқсоқоллар сайловларини юқори савияда ўтказишлари лозим.

Албатта, бу жараёнда сиз, азиз устозларнинг ҳам иштирокингиз жуда-жуда зарурдир.

О. ШОУМАРОВ,
Тошкент шаҳар Ҳокими ҳудудидаги маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат Кенгашининг масъул котиби

СЎФИ ОЛЛОЁР МАЪРИФАТИ

Суфи Оллоёр эл ардоғи ва эъзозига эришган маърифатпарвар ижодкордир. У ўз ижоди билан халқимизнинг бадиий-эстетик тафаккурини, ахлоқини, ижтимоий-фалсафий ва педагогик қарашларини янги поғонага кўтара олди. Суфи Оллоёр (1644-1721) тавваллуд топган мавзе Урта Зарафшон (Миёнкол) илм-фан ва адабиётининг тарихий анъаналарига эга манзил ҳисобланади.

Ўтмишда яшаган бир муаллиф Суфи Оллоёрнинг вафотлари ҳақида ёзаркан, у кишини «Абу Ҳанифаи вақт аст» деб атайди. Яъни шоирни VIII асрларда яшаган Имом Аъзам билан бир қаторга қўяди. Бу тасодиф эмас. Маълумки, Имом Аъзам ўз даврида Қуръони карим ва ҳадиси шариф илмлари асосида шариат аҳкомларини тартибга солган биринчи фиқҳ олими, ўз ҳаёт тарзи, илмий фаолияти ва ибратли хулқи билан минг-минглаб кишиларга намуна бўлган буюк инсон эди.

Суфи Оллоёрга қадар ҳам араб тилида шариат аҳкомлари ҳақида китоб ва рисолалар битилган эди,албатта. Жумладан, шу соҳага оид «Шариат аҳкомлари ҳақида катта китоб» асарини Имом Аъзамга нисбат берадилар. Бундан ташқари Бурҳониддин Маргилонийнинг «Ал-ҳидоя» китоби ва шу китоб асосида яратилган «Мухтасар ал-виқоя» асарлари мусулмон дунёсига кенг тарқалган. Бироқ бундай китоблар тилининг арабийлиги туфайли туб-жой аҳолиси туркий ва форсийзабон бўлган минтақаларда ундан кенг омма бевосита манфаат топиши мушкул эди. Суфи Оллоёр халқнинг ана шу эҳтиёжини қондириш мақсадида шариат аҳкомлари ва фиқҳ масалаларига бағишланган асарлари «Маслак ул-муттақийн» («Аллоҳдан қўрқувчилар тутадиган йўл» ёки «Тақводорлар маслаги») ва «Сабот ул-ожизин» («Ожиз бандаларнинг иродаси» ёки «Ожизлар иродаси») каби асарларини форсий ва туркий адабий тилларда яратди. Бу хизмати билан Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил(Волга) бўйларидан Ҳинд сарҳадларигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий ва форсийзабон халқларни бир исломий-ахлоқий, бир фалсафий-эстетик мафкуравий ялов остида бирлаштиришга қўмаклашди.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда Моваройуннаҳрда суфия тариқати янги назарий хулосалар билан бойиди, халқ ҳаётига анча яқинлашди. Бу тариқат Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам Косонийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фаол амалий ҳаракатлар билан боғланди. Бу ҳол унинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий аҳамиятини янада оширади. Айниқса,нақшбандийлик қарашларининг бу даврда бадиий адабиётга чуқур сингиб бориши, санъатнинг бошқа турларида ҳам из қолдира бошлаши унинг бадиий-эстетик таъсир доирасини кенгайтирди. Буюк аллома Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Наволийнинг адабий, илмий ва ижтимоий фаолиятларининг беқиёс равнақи, шуҳрати, таъсир қувватининг беҳудудлиги кўп жиҳатдан ўша даврдаги нақшбандия тариқатининг камолоти билан боғлиқдир.

Демак, мазкур даврда Нақшбандия тариқати ҳар жиҳатдан тараққий этган. Суфи Оллоёр ўз асарларида суфия тариқатининг ана шу фазилатларидан ижобий фойдаланди. Фақат бугина эмас, у «Мурод ул-орифин» номли йирик фалсафий-маърифий асар яратиб, бу таълимотни янги фикр, янги мулоҳазалар билан бойитди.

Суфи Оллоёрнинг буюклиги яна шундаки, агар Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам каби бобокалонларимиз суфия тариқати таълимотларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Суфи Оллоёр бу тариқатнинг барча даврлар учун долзарб, миллий-шарқона ва умуминсоний ахлоқий-таълимий қарашларини ибодат жараёнига, мактаб-мадрасалар таълим тизимига олиб кирди. Суфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақийн», «Сабот ул-ожизин» асарлари кенг ўрганиляпти. У илғор фикрли маърифатпарвар шоир сифатида меҳнаткаш ва ҳалол инсон манфаатларини Боборахим Машраб ва Турди Фарғоий даражасида ҳимоя қила олди.

Жумладан, қуйидаги байтларни Суфи Оллоёр ижодининг туб моҳиятини очиб берувчи далил сифатида келтириш мумкин:

Салтанат бирла бўлиб нафсу ҳавони ушлабон
Ҳар ғарибу хастага бедод қилмоқ арзимас...
Дўстлар, бу бевафо дунёда молу мулк учун,
Бир-бирингни оғритиб,ношод қилмоқ арзимас.
Мансабу дунё учун аҳли ҳукумат олдида
Қўл қовуштириб турибон, дод қилмоқ арзимас...
Турку тожик,ўзбеку саҳройилари мол учун,
Кечаю кундуз уруб,ношод қилмоқ арзимас.

Мазкур байтларда юртимизда уч хонлик ҳукм сурган даврлардаги фожеъ аҳвол, дардалам билан тасвир этилади ва адолат ғояси олга сурилади.

Суфи Оллоёр некбин ижодкор эди. У ўз ижоди қадр топадиган пайтлар келишига ишонар эди. У бир шеърида:

Гарчи Оллоёр ўтарчидур, эрур ул ҳам ямон,
Онинг ҳам қадри ўтар бир нечага ўлган замон
—деб ёзган эди. Эндиликда шоирнинг ижоди,ўзи башорат қилганидек, халқимиз томонидан қадрланмоқда, маънавий-маърифий маъно касб этмоқда.

Иноятулла СУВОНҚУЛОВ,
Самарқанд Давлат Чет тиллар институти «Маънавият ва тарих» кафедраси мудири, филология фанлари доктори

Xotira

АДОЛАТНИ ҚАДРЛАР ЭДИ

Эзгулик инсон умрининг безагидир. Унга интилган инсон ўзидан яхши ном қолдиришга, ўзи яшаётган жамиятда етук билимли, маънавий баркамол инсон бўлишга ҳаракат қилади. Эзгу ишлари билан эл манфаати йўлида хизмат қилиб, обрў-эътибор қозонади. Эл учун қилган хизматлари эвазига кўпчилик қалбидан жой олади.

Эломон ака Эшқувватов ана шундай инсонлардан бири эдилар. У киши 1921 йилда Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Ургуч (ҳозирги Пахтачи тумани Р. Маҳмонов номли жамоа хўжалиги ҳудуди)да туғилди. Мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ ўзининг билим олишга бўлган кучли иштиёқи, интилувчанлиги, тиришқоқлиги билан бошқа дўстларидан ажралиб турар эди. Мактабни муваффақиятли тугатиб, 1934-1939 йилларда Самарқанд шаҳридаги 12-педагогика билим юртида таҳсил олди. Билим юртини битиргач, дастлабки иш фаолиятини Пулатчи қишлоғидаги 22-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. 1939 йилда барча тенгдошлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди. У ҳарбий хизматни ўтаётган пайтда бошланган II Жаҳон урушида фаол иштирок этди. Урушда кўрсатган қаҳрамонликлари ва жасоратлари учун оддий аскарликдан капитанликкача кўтарилди. Эломон ака Эшқувватов, урушдан қайтгач, Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) туманидаги 22-ўрта мактабда директор, орадан 2 йил ўтиб, Пахтакор тумани ижроия қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсата бошлади. Ўқиш ва иш даврида олган билимлари, тажрибасини фуқаролар турмуш тарзини яхшилашга бағишлади.

Ўз касбига масъулият билан ёндашиш, ўзига нисбатан талабчанлик, чуқур билим ва мушоҳада қилиш, изланувчанлик, тиришқоқлик каби хусусиятлари туман ҳокими лавозимигача тайинланишига сабаб бўлди.Унинг ушбу лавозимда туриб, амалга оширган ишларини ҳозирги кексалар дуо қилиб эслашади.

Жумладан, Эломон аканинг ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли Оқтош шаҳри аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Хонадонларга газ қувурлари тортилиб, «зангори олов»дан фойдаланиш имконияти яратилди. Шунингдек, шаҳардаги 10-қурилиш материаллари комбинатининг қурилиб, ишга туширилишида ҳам Э. Эшқувватовнинг муносиб ҳиссаси бор.

Кейинчалик Э. Эшқувватов 13 йил давомида Оқтошдаги 110 -ўрта мактабда директор бўлиб ишлади. 10 йилдан ортиқ шу илм даргоҳида юқори синф ўқувчиларига тарих ва жамиятшунослик фанларидан сабоқ берди.

Шу ўтган йиллар давомида Эломон ака умр йўлдоши Сора ая билан 50 йилдан ортиқ бирга яшади. Улардан қолган излошлари — 9 нафар фарзандлари ўқимишли, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб вояга етишдилар. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли.

Эломон ака тўғри сўз, чуқур билимли, дунёқараши кенг, мушоҳадали, узоқни кўзлайдиган, талабчан, темир интизомли инсон эди. Ҳамиша ҳақиқат учун курашарди. Бошқаларни ҳам шунга ундарди. Адолатни яхши кўрарди. У қайси лавозимда ишламасин, ҳар доим эл-юрт дардида ёниб яшади. Хуллас, умрини эзгуликка, покликка буркаб яшади.

Нурмамат НАҲАНГОВ

Futbol

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Наманган шаҳридаги «Навбаҳор» Марказий уйингоҳида уч кун давом этган ёш футболчилар беллашувини томоша қилишга тўпланган спорт ишқибозлари кескин ва қизиқарли курашларнинг гувоҳи бўлишди.

Аввал хабар қилинганидек, Самарқанд шаҳрида 1984-85 йилда туғилган футбол-мактаб интернатлари тарбияланувчилари жамоалари ўртасида республика биринчилиги финал мусобақалари ўтказилган эди. Наманганда эса 1982-83 йилда туғилган ушбу мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақаларнинг финал қисмида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий ва Наманган вилоятлари вакиллари давра тизимида кураш олиб боришди. Беллашувларни ғалаба иштиёқида ўтказган Тошкент шаҳри командаси уч учрашувда 9 очко тўплаб, мусобақа ғолиби бўлди. Мезбонлар 6 очко билан иккинчи ўринни олишди.

Навоий вилояти командаси учинчи ўрин соҳиби бўлди. Мусобақада нохуш ҳодиса рўй берганлигини қайд этиб ўтмоқ жоиз. Бинобарин, Навоий вилояти вакилининг Самарқанд командаси таркибида бегона спортчи (Азиз Очилов) майдонга туширилганлиги учун норозилик аризаси кўриб чиқилди.Натижада ғалаба Навоий командасига ёзилди. Бундай ножуя ҳаракатлар бошқалар учун сабоқ бўлмоғи керак.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси ва республика футбол федерациясининг қўшма қарорига кўра, ўтказилган спорт мактаб-интернатлари финал мусобақасини уюшқоқлик билан ташкил этган Наманган вилояти «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти ва ҳомий ташкилотлар мусобақага келган спортчиларни турар жой билан таъминлаш, ҳакамларга ҳақ тўлаш ва совринлар учун харажатларни ўз зиммаларига олишиб, катта ҳиммат кўрсатишди.

Ғ.МИРЗАЕВ



Катта рингга йўл

Bilasizmi?

КУЛГИ ОРДЕНИ

Ажабланманг! Польшада янги «Кулги ордени» таъсис этилган. 44 минг лойиҳадан ҳакамлар 9 ёшли Ева Хробакникини энг яхши деб топишди. У кулаётган Қуёш расмини чизган эди.

Қоидага кўра, «Кулги ордени» билан «болаларга қувонч бахш этадиган» кишиларгина мукофотланади. Мукофотлаш ҳам фақат болаларнинг таклифи билан бўлади.

Бу орден билан биринчи мукофотланганлар орасида болаларнинг соғлиқ ва ҳаётларини сақлаб қолган машҳур жарроҳ Дега, ёзувчи («Тўрт танкист ва ит» фильмининг муаллифи) Пшимановский ҳам бор.

ШЛЯПА ОВИ

Амстердам фақат кўплаб канал ва кўприклари билангина эмас, балки йўловчиларнинг шляпаларини учириб кетадиган қаттиқ шамоллари билан ҳам машҳурдир. Эринмаган одамлар ҳисоблаб, урта ҳол амстердамлик бошқа шаҳардан 1,9 марта кўп шляпа йўқотаётганини аниқлашгач, бунинг чораси топилди.

Каналлар қирғоғи ва кўприкларга балиқчилардан навбатчилар қўйилди.- Қизиғи шундаки, улар балиқ эмас, шляпа овлайдилар.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ФАРҒОНИЙ БОБО

Ҳурлик муждасидан бетоқат юрак,
Эркнинг нафасидан энтикар Қуббо.
Номсиз титроқ ила интиқ талпиндик,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо!

Кўз очар умидлар, гул тугар орзу,
Чечаклар юзида ўйнайди сабо.
Кўнгил бўшлиқларин забт этар зиё,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо?

Илм шарофати – юртда ободлик,
Кўзни қамаштирар бу оҳангграбо.
Нурдан жилваланди қайта Фарғона,
Сиз ҳам сездингизми, Фарғоний бобо!

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
Фарғона Давлат университети доценти

ТЎРТЛИКЛАР

Гар зиёсиз бўлса коинот,
Дунё-ю дун зулмат беомон.
Меҳр билан яшанг одамлар
Меҳрсизлик зулмати ёмон.

***

Табиат эрур мўъжиза кони,
Анга мушфиқ эрур инсон ҳар они.
Покликдан яралган кўҳна дунёнинг
Поклик-ла асралур Еру осмони.

***

Табиатда мўъжиза кўп эрур бирам,
Инсон анга маҳлиё бўлмишдир ҳар дам.
Олам чиройидан яралган зотмиз,
Фақат меҳмонлигинг унутма одам.

Марямжон ЖУМАНИЁЗОВА,
ТДПИ аспиранти

Xullas...

ТАБИБИМИЗ-ҲАБИБИМИЗ

Халқ табобати замонавий медицина билан ёнма-ён юради. Шуниси аниқки, халқ табобати ҳам доимо янгиланиб, такомиллашиб боради.

Таиландлик 81 ёшдаги табиб беморларни даволашда табиатнинг тўрт унсури – ер, шамол, олов, сувга таянишни афзал кўради. Унинг «бисотида» булардан бошқа даволовчи воситалар йўқ.

Табиб ота беморни қайноқ қумга бўғзигача кумади-да, кейин ўзи унинг бошига чиқиб олади. Турган-битгани азоб... Аммо даволашнинг ана шу қийноқли усули туфайли чол ҳаётдан умидини узган 10 минг беморни отдай қилиб юборган. Рақдан тортиб фалажгача шифо топиб кетишяпти. Миннатдорчиликларнинг эса чеки йўқ.

Беморлар табибнинг қабулида булиш учун ойлаб навбатда туришга ҳам рози...

САҒАНАГА ЧЕКИЛГАН САНЪАТ

Сиз билан бизни, қават-қават иморатлару, сон-саноқсиз машиналарни, қуйингки, бутун борлиқни кутариб турган она замин бағрида не бир топилмалар учрамайди. Қадимги Руминиянинг марказий шаҳарларидан бири Констанцада водопровод қувурини қазиётган ишчилар қандайдир сағанага дуч келишди. Сақланиши ёмон эмас.

Сағана деворларида инсон, ҳайвон ва табиат манзараси акс эттирилган эди. Маърака маросимда – айлана стол атрофида ўтирган беш кишига иккита хизматчи ичимлик қуйиб узатмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, бу III-IY-асрларга оид санъат асаридир. Жануби-Шарқий Европада камдан-кам учрайдиган антик даврга оид бу сағана таъмирланиб, руйхатга олинди.

Sport maydonchasi

ФАХРИЙЛАР ФАХРИМИЗ

Мальтада самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган полвонларимиздан: қашқадарёлик Астон Чўлиев (57 кг) 40-44 ёшлилар ва тошкентлик Ўрол Жуманиёзов (52 кг) 50-54 ёшлилар ўртасида барча рақиблари курагини ерга тегизиб чемпион бўлиб қайтишди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Бангкокда ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарликларини Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари Ҳиндистон сафарида синовдан ўтказишди.

Ҳиндистон терма жамоаси билан икки марта ўтказишган ўртоқлик учрашувларида 0:0 ва 4:0 ҳисоблари қайд этилди.

РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Финляндияда ўтган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида 2 марта жаҳон рекорди янгиланди. Иккаласи ҳам грециялик спортчилар томонидан адо этилди. Пиррос Димос (85 кг) силтаб кўтаришда 178 кг ва Леонидас Сабанис (62 кг) даст кўтаришда 147,5 кг кўрсаткичларини забт этишди.

САБОҚ ЯХШИГИНА БЎЛДИ

Омади юришмайроқ турган Россия футбол терма жамоаси ўйин санъатини ўрганмоқ учун Бразилияга ташриф буюриб, футбол ўлкаси терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказишди. Ушбу беллашувда майдон эгалари 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишиб, А.Бишовец шогирдларига футболни қандай ўйнаш кераклиги ҳақида яхшигина сабоқ беришди.

ТЎПУРАР ДАРВОЗАБОН

Футбол бўйича сўнгги жаҳон чемпионатининг энг зўр дарвозабони деб топилган парагвайлик Хосе Луис Чилаверт фақат дарвозани қойиллатиб қўриқлашни эмас, унга тўп киритишни ҳам қойиллатар экан. У азамат ўзининг вазифаси бўлмаса-да рақиблар дарвозасини 38 марта ишғол қилиб, дунёнинг энг кўп тўп киритган дарвозабони бўлиб турибди.

Sog'lom avlod uchun

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ:

КАСАЛЛИКНИНГ ИЛК БЕЛГИЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Мана, куз ҳам охирлаб, изғирин қиш эшик қоқмоқда. Вирусли гепатит касаллигининг келиб чиқиши ва кўпайиши айни шу даврга тўғри келади. Вирусли D гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, касалликнинг қўзғатувчиси турли хилдаги фильтрланувчи вируслардир. Касаллик жигар фаолиятининг бузилиши ва организмда умумий интоксикация аломатлари билан кечади.

Буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино биринчи бўлиб сариқ касаллигининг бир хил эмаслиги, бу касалликнинг белгиси, жигар фаолиятининг бузилиши натижасида эканлигини баён этган эди. Бугунги кунда юқумли сариқ касаллигининг А,В,С,Д,Е,Г туридаги вируслари мавжуд. Улар бир-биридан морфологик, антиген тузилиши, юқиш йўли билан фарқланади.

Гепатит вируслари ташқи муҳитда анча вақттача тирик туради. Иссиқ-совуққа чидамли бўлиб, 60 градус ҳароратда бир неча соаттача, 0 градусда эса бир неча ойгача яшай олади.

Юқумли сариқ касаллиги билан оғриган бемор ахлати, сийдиги, сулаги ва нафас йўллари билан вирус ажралиб туради. Касаллик соғлом одамга оғиз орқали, ҳавотомчи йўллари билан юқади. Вирусли гепатит А одам организмига кўпинча оғиз орқали касаллик қўзғатувчилари – овқат, сут, сув ифлосланганда, нотоза қўл ва пашшалар орқали юқади.

Вирусли Е гепатитни қўзғатувчи вируслар ҳам ташқи муҳитдаги ахлат орқали ажралиб сувларни, озиқ-овқатларни, сабзавот ва ҳўл меваларни зарарлантириб касалликнинг тарқалишига сабаб бўлади. Вирусли Е гепатити билан кўпинча ҳомиладор аёллар касалликка чалинадилар ва бу ҳол уларда оғир кечади.

Вирусли гепатитнинг В, С каби турлари одам организмига ҳар хил йўллар билан кириб касаллик чақиради:

1. Тиббий асбоб-ускуналари етарли даражада стерилизация қилинмаганда;

2. Бемор билан яқинда мулоқотда бўлганда;

3. Қон плазмаси, қон маҳсулотлари манбаи бўлган донорларнинг бу касаллик вирусининг маркерларига текширилмагани, уларни беморга қўйиш натижасида ёки текширувдан ўтказиш системасини етарли даражада ўринга қўйилмаганлигидадир;

4. Уй ёки кўча шароитида қўллардаги майда тирналган ёки кесилган жойлар орқали, сартароҳоналарда соч-соқол олдирилганда, маникюр, педикюр қилинганда ҳам юқиши мумкин.

Касалликнинг вируси соғлом одам организмига тушгандан сўнг 2-3 ҳафтадан 6 ой ичида намоён бўлади. Сариқ касаллигининг В тури кўпинча аста-секин бошланади. Беморнинг кун сайин тинкаси қурий боради, иштаҳа пасаяди, кўнгли айниб, қоринда, оёқ-қўл бўғинларида оғриқ сезадилар.

Касаллик баъзан грипп ga ўхшаб бошланади. Тана ҳарорати кўтарилади, қуруқ йўтал, томоқ оғриши, тумов кузатилади. Шунинг учун кўпинча беморлар сариқ касалнинг илк белгиларини, энг юқиши авжига олган даврини уйда, кўчада, болалар муассасаларида соғлом одамларга юқтириши мумкин.

Бемор ўз вақтида шифокорларга (7-8 кун) мурожаат қилмаса, атроф-муҳитга энг кўп вирус тарқатади. Кечикиб даволаш ишлари бошланганда беморнинг тузалиши чўзилади ва турли асоратлар қолдириши мумкин. Касаллик бошлангач 7-8 кундан сўнг беморнинг бадани сарғаяди, жигари катталашади, ҳолсизланиш кучаяди, ётоқсирайди. Бу жараён оғриқ билан ўтади, кўнгил айниши кучайиб, бемор қайт қилади. Бундай ҳол 2-3 ҳафта давом этиши мумкин ва даволаш бошлангандан сўнг аста-секин бемор аҳволи тузала боради.

АСОРАТЛАР ИЧИДА ЭНГ ОҒИРЛАРИ:

1. Жигар фаолиятининг бузилиши. Бунда беморнинг беҳоллиги кучаяди, бемор безовта бўла бошлайди, кўп қайт қила бошлайди. Сариқлиқ ортади ва ҳушини йўқотади. Зўдлик билан даволаш ишлари олиб борилмаса бемор ҳалок бўлиши мумкин.

2. Касаллик сурункали тус олади. Оқибатда жигар циррозисига олиб келади. Ҳомиладор аёлларда касаллик оғир ўтганда эрта туғиш, қон, сув кетиш ҳоллари, чақалоқ дефект билан туғилиши мумкин.

САРИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ДАВОСИ:

Беморларни ўз вақтида шифохонага ётқизиб, тартиб ва парҳез қоидаларига риоя қилиш керак. Энг зарур дори-дармонларни беморларга тавсия қилиш лозим. Бизнинг шифохонамизда кейинги пайтларда доривор ўтлардан тайёрланган дамламалар кенг қўлланилмоқда.

Вирусли гепатит касаллигида парҳез овқатланиш катта аҳамиятга эга. Беморга сутли таомлар, қатиқ, творог, сузма, тузли шарбатлар, мол гўшти ва сабзавотлардан тайёрланган таомлар, олма, узум, лимон тавсия этилади. Беморга берилаётган овқат таркибида туз, ёғ, зираворлар чекланган миқдорда бўлиши лозим. Бемор дудланган, қовурилган, аччиқ, шўр ва ёғли таомларни истеъмол қилиши керак эмас. Таом оқсил ва витаминларга бой бўлиши лозим. Қайнатилган мол гўшти, товуқ гўшти, буғда пиширилган маҳсулотлар, бутқа, турли сабзавотлардан тайёрланган шўрвалар, мевалар ювиб берилади. Минерал сувлар газсиз ҳолда ичилиши лозим.

Вирусли гепатитларнинг олдини олиш чораларига келганда қуйидагиларга эътибор бериш керак.

1. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув билан таъминлаш, пашшаларга қарши курашиш, шахсий гигиена қоидаларига қатъиян риоя қилиш зарур;

2. Вирусли гепатит билан касалланган беморларни тезда ажратиб қўйиш, уйга шифокор чақириб, юқумли касалликлар шифохонасига жойлаштириш лозим;

3. Ноқулай шароитда, коммунал турар жойларда, ётоқхоналарда яшайдиган беморларни шифохонага ётқизиш керак. Уйларда дезинфекция ишлари ўтказилиши шарт;

4. Бемор билан алоҳида бўлган ёш болалар орасида охирги алоқадан бошлаб, 50 кунгача тиббий назорат ўрнатилади.

Иммунопрофилактика тадбирлари бу касаллик билан кўпроқ зарарланган аҳоли гуруҳи ўртасида ўтказилади. Иммуноглобулин ёшга қараб қуйидаги миқдорларда: 1-6 ёшдагиларга – 1,0 мл; 7-10 ёшдагиларга – 1,5 мл ва катта ёшдаги бола вазнига қараб 3 мл гача юборилади.

5. Беморга қон ва унинг ўрнини босувчи воситаларни қуйиш учун бир марта қўлланиладиган воситалардан фойдаланиш керак.

6. Донорларни яхшилаб текшириш, даволаш ва муҳофаза муассасаларида гемотрансфузияни чеклаш, иложи борича бир марта ишлатиладиган тиббий ва таҳлилхона ускуналаридан фойдаланиш, тери қопламлари ва шиллиқ қаватлар шикастланганда ишлатиладиган муолажа жиҳозлари ва ускуналарни стерилизациядан олдин тозалаш, стерилизация қилиш қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда дезинфекция ўтказиш зарур бўлади. ВГВ антигенининг юқори вирус ташувчилигини ҳисобга олиб чақалоқлар, 1-2 ёшли болалар ва тиббий хизматчилар орасида профилактика эмлашнинг тўла курси, «В» гепатитига қарши эмланиши лозим бўлган болаларни эмлаш тартибига мувофиқ 4 марта амалга оширилади.

Ҳамиша соғ бўлинг!

Бахтиёр ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори, профессор

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг декабрь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди

1. Ўрта мактаб директорлари ўзб. г. — 1-22 декабрь

2. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчи-инспекторлари курси ўзб.г.— 1-15 декабрь

3. ЧЁТ раҳбарлари ўзб. г.— 1-22 декабрь

4. «Иқтисодий билим асослари» ўқитувчилари курси — ўзб. — 1-15 декабрь

5. Физика ўқитишда янги педагогик технолог. қўллаш— ўзб. г.— 1-15 декабрь

6. Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: бошланғич синф ўқитувчилари учун — ўзб.г. —1-15 декабрь

7. Янги тур мактабларнинг биология ўқитувчилари — ўзб. г. — 1-22 декабрь

8. География фани методбирлашма раҳбарлари — ўзб. г. —1-22 декабрь

9. Тарихдан янги дастур ва дарслик асосида курс — ўзб. —1-15 декабрь

10. Янги дастур ва дарслик асосида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзб. г.— 1-15 декабрь

11. Хорижий тиллар бўйича ўқувчилар билимларини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш —ўзб-г. —1-15 декабрь

12. Янги тур мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари курси —ўзб. г.—1-22 декабрь

13. Янги тур мактабларнинг расм-чизмачилик ўқитувчилари курси — ўзб. г. —1-22 декабрь

14. Махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий фан ўқитувчилари курси — ўзб. г.— 1-22 декабрь

15. Жисмоний тарбия бўйича туман ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзб. г. — 1-22 декабрь

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 1-2 декабрь кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетлари учун тўланади.

Манзилимиз: Тошкент – 95. Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

ФЕЛЬЕТОНГА «ҚАҲРАМОН» БЎЛГАЧ...

Британиялик эр-хотинга черковдаги никоҳ маросими жуда ёқиб қолибди денг! Улар бирор марта ҳам ажрашишмасдан уч бора қайта никоҳдан ўтишди.

63 ёшли эр-хотин Жимми ва Грете Уоллар ҳам никоҳни янгилаш бобида «рекорд» кўрсаткичга эришганлар. Улар илк марта 1978 йилда эр-хотинлик гувоҳномасини олганларига қаноат қилмай, ҳар 3-4 йилда, бошқа-бошқа черковларда, исм фамилияларини ўзгартирган ҳолда никоҳдан ўтаверишди. Еттинчи мартасида улар «қулга тушишди». Синчков журналистлардан бири чол-кампирнинг бу ҳаракатларини сезиб қолиб, уларни фельетон «қаҳрамон»ларига айлантирди. Шундан кейингина бу жуфтлик никоҳдан ўтишни бас қилдилар.

ana shunaqa gaplar...

Урта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси педагогика фанлари доктори, институт ихтисослашган илмий кенгаши аъзоси **Исмоил АЛЛАЁРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда ҳуқуқшуноспедагог факультети жамоаси «Жиноят ҳуқуқи» фанлари кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент **Юсуф ОТАЖОНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан маҳрумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар:Дилбар ХЎЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501. Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.